

## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

**Бабажанов Махкамжон Баходир ўгли**

*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

*Тингловчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақола Республикамиз тижорат банкларида Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини (МҲХС) такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва шу орқали банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари, бухгалтерия ҳисоб сиёсати, ҳисоб тамойиллари, бухгалтерия баланси, баланси, молиявий ҳисобот.

Маълумки бугунги кунга келиб, республикамизда фаолият олиб бораётган тижорат банклари ўз бухгалтерия ҳисобини юритишни, шунингдек, молиявий ҳисоботларни тузишни халқаростандартлар асосида ташкил қилмоқдалар. Шу инobatга олган холда ҳар бир бухгалтер замон талабидан келиб чиқиб бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини, молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларини асосларини, тамойилларини ва қонун қоидаларини яхши билиши шарт ва зарур.

Мамлакатимизда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни тезлаштириш ортидан хорижий инвесторлар ва сармоядорларни зарур ахборот манбаи билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш ва бу соҳадаги мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида бугунги кунда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Бунга яққол мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг «Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида назарда тутилган<sup>1</sup> маълумотлар асосида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб берилган.

Ушбу қарорга асосан йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар, акциядорлик жамиятлари, суғурта ташкилотлари, тижорат банклари 2021 йил 1 январдан бошлаб, молиявий ҳисоботни халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш ҳамда қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтаиш белгиланган.

Ўз навбатида 2021 йил «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида банкларда ички бизнес жараёнларини автоматлаштириш орқали инсон ресурсларидан самарали фойдаланиб, ходимларни асосан мижозбай ишлашга йўналтириш.

Бунда:

-банкларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда халқаро умум эътироф этилган стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида мижозлар билан муносабатларни бошқариш (CRM) тизимини жорий этиш;

-молиявий технологиялар асосида янги рақамлаштирилган банк хизматларини жорий қилиш;

-банкларнинг ахборот технологиялар инфратузилмасини такомиллаштириш;

-мижозларга замонавий стандартлар асосида хизмат кўрсатиш бўйича билим ва кўникмаларни оширишга қаратилган алоҳида ўқиш ва семинарлар ташкил этиш назарда тутилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига четдан инвестицияларини жалб қилиниши, эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиши бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида ташкил қилишни зарур қилиб қўймоқда. Бунинг тасдиғи сифатида қуйидаги маълумотларни келтиришимиз мумкин.

Молиявий маълумотлардан фойдаланувчиларнинг турли гуруҳлари мавжудлиги бухгалтерия ҳисобининг ягона тизим сифатида учга бўлинишига олиб келди:

- Молиявий ҳисоб;

- Бошқарув ҳисоби;

- Солик, ҳисоби.

Ҳисобнинг бу уч тури ўзининг вазифаси, яъни ахбороти ва услубияти билан бири-бирдан фарқ қилади.

Молиявий ҳисоб — хўжалик юритувчи субъектлар томонидан жамоатчилик ҳукмига тақдим этиладиган ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун мўлжалланган ахборотни тақдим этувчи ҳисобдир. Жамоатчиликни компанияга сармоялар қўядиган, кредитлар ажратадиган ёки у билан ўзаро ҳамкорликда иқтисодий фаолият юритадиган турли тоифадаги шахслар ташкил қилиши мумкин. Бу шахслар ушбу компанияга сармоя қўйиш ва уни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилишда унинг молиявий ва бошқа ҳисоботларига турли даражада таянадилар. Компаниядан ташқари бўлган кишиларнинг маълумотга бўлган эҳтиёжлари молиявий ҳисобнинг марказида туради.

Бошқарув ҳисоби — ички фойдаланувчилар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий хўжалик муомалалари ва маҳсулот ишлаб чиқариш устидан назорат ўрнатишда, бюджет бажарилиши ва фойда олишнинг мониторингини ўрнатишда, шунингдек, компаниянинг келажакда муваффақиятга эришишини таъминлаш учун фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби маълумотларини тайёрлаб беради. Бошқарув

ёки аналитик бухгалтериянинг мақсади маъсулият марказлари, фаолият соҳалари бўйича ахборот бериш ва унинг таҳлилидир.

Натижада жуда йирик бўлган фирма ва корпорацияларда даромадлар (маржалар), харажатлар ва фойда ҳисоби бир неча ун ёки юзлаб маъсулият марказлари бўйича ташкил қилинади. Бунда бошқарув ва молиявий ҳисоб ўртасида ўзаро боғлиқлик турли усуллар билан махсус (акс эттирувчи, параллел, кесишувчи, йиғиб тақсимловчи) ҳисоблар ёрдамида амалга оширилади.

Молиявий ҳисоб халқаро қабул қилинган стандартлар ва тамойиллар асосида юритилади. Айнан ана шу стандарт ва тамойиллар молиявий ахборотнинг қайд қилиниши, баҳоланиши ва топширилишини тартибга солиб туради.

Демак республикамизда бухгалтерия ҳисобини молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) асосида ташкил қилишнинг зарурияти туғилди.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲҲС) – бу МҲҲС бўйича қўмита бошқаруви томонидан қабул қилинган стандартлар ва тушунтиришлар тизимидир.

Бухгалтерия ҳисобининг моделларини кўриб чиқишда ишлаб чиқариши ва саноати ривожланган Германия, АҚШ, Россия, Франция, Япония ва Буюк Британия мамлакатларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, биринчидан, бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари бир-биридан фарқ қилади. Иккинчидан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи халқаро стандартларининг асоси яратилган ва улар БҲҲС ривожланишига таъсир қилади. Учинчидан эса, бу мамлакатлар тажрибаси республикамизда бухгалтерия ҳисобининг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

МҲҲС нинг БҲМС га нисбатан устунликлари:

– молиявий таҳлилчилар ва инвесторлар учун молиявий ҳисоботнинг тушунарлиги, таққосланиши, маълумотларнинг шаффофлиги, таҳлил учун харажатларни камлиги ва ҳоказолар. Шунингдек, бухгалтерларимиз учун халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда БҲМСларини солиштириш имконини беради.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш ва юритиш учун ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар мавжуд. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат:

1. Бухгалтерия ҳисобини МҲҲС асосида юритишнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ўзбек ва рус тилидаги расмий таржимасини нашр қилиш;
3. Фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчи ва бухгалтерларни қайта тайёрлаш;
4. Бухгалтерия ҳисоби мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаётган Олий ўқув юрларининг Давлат таълим стандартлари, ўқув режаларига

—Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари номли фанни киритиш асосида кадрлар тайёрлаш;

-Молиявий ҳисобининг халқаро стандартлари бўйича ўқув қўлланмалар, дарсликлар, электрон дарсликларни тайёрлаш ва чоп этиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, ҳозирги кунда тижорат банкларида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига ўтиш замон талаби бўлиб, халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларини жорий этишга, хорижий инвесторлар учун зарур ахборот муҳитини таъминлашга тўсқинлик қилаётган тизимли муаммолар сақланиб колмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонун ҳужжатлари тўплами –Тошкент: Ўзбекистон, 2003.

2. «Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори 20-февраль 2020-йил ПК-4611

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.02.2021 йилдаги ПФ-6155-сон.

4. Ибрагимов А.К ва бошқ. Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари асосида банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2010.

5. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари|| К. Наврузова, Х. Отамуродов, Р. Курбонов. Ўқув қўлланма.Тошкент, Молия. – 2015.